

МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИ ОРГАНЛАРИДА ХОДИМЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Тўрабеков Отабек Ровшанхон Ўғли ¹

ИНФОРМАЦИЯ О СТАТЬЕ

АННОТАЦИЯ:

ИСТОРИЯ СТАТЬИ:

Received: 07.01.2025

Revised: 08.02.2025

Accepted: 09.02.2025

КАЛИТ СЎЗЛАР:

мажбурий ижро бюроси, кадр, ижтимоий таъминот, моддий ёрдам, пенсия, устама, сугурта ва бошқалар.

мазкур мақолада Мажбурий ижро бюроси ходимларининг ҳуқуқий мақоми, уларнинг ижтимоий таъминоти, ушбу ижтимоий таъминотларнинг турлари ва ҳуқуқий асослари, шунингдек Мажбурий ижро бюроси органлари фаолиятида ходимларнинг етарли даражада ижтимоий таъминлашнинг ўрни очиқ берилиб, ушбу институтни такомиллаштиришга оид тавсиялар илгари сурилган.

Барчамизга маълумки, фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича судларнинг ҳал қилув қарорлари, ажрим ва бошқа қарорларини, жиноят ишлари бўйича ҳукм, қарор ва ажримларининг мулкӣ жазони ижро этиш, моддий қийматликларни ундиришга оид қисмларини, шунингдек, қонунда кўзда тутилган бошқа ҳолларда маъмурий идораларнинг қарор ва фармойишларини мажбурий равишда амалга оширувчи мансабдор шахслар – Мажбурий ижро бюроси ходимлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги 29.08.2001 йилдаги 258-П-сонли Қонунига кўра ўрта махсус (юрӣдик) ёки олий (юрӣдик) маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси, алоҳида ҳолларда эса, бошқа мутахассисликдаги олий маълумотга эга бўлган шахслар давлат ижрочиси бўлиши мумкин.

Статистик маълумотларга қарайдиган бўлсак, 2025 йилнинг 1 январь ҳолатида Мажбурий ижро бюросида жами **3.725** та бошқарув ҳамда **1.097** та техник ходимлар

хизмат қилиб келмоқда. Ўз вазифаларини бажараётган ҳар бир ходимнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, етарли шарт-шароитларни яратиб бериш каби масалалар ҳар доим долзарб ҳисобланади.

Шу сабабли ҳам, Ўзбекистон Республикасининг 08.08.2022 йилдаги “**Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида**”ги 788-сонли Қонунининг 11-моддасида давлат фуқаролик *хизматчисининг ҳуқуқлари* ўз ифодасини топган бўлиб, унга кўра, давлат фуқаролик хизматчиси ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг ўзига хос хусусияти ва мураккаблигига, бажарилган ишларнинг миқдори ҳамда сифатига мувофиқ ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда *иш ҳақи олиш*, касбий компетенциялари ва алоҳида хизматлари учун *рағбатлантирилиш*, мунтазам равишда малакасини ошириб бориш, меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда ҳамда шартларда меҳнат шартномасига ўзгартишлар киритиш ва шартномани бекор қилиш, меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқ бўлган иш ўрнига эга бўлиш ҳуқуқларига эга²⁵.

Шунингдек, иш вақти давомийлигининг чегарасини, айрим давлат фуқаролик хизматчилари учун қисқартирилган иш вақтини белгилаш, ҳар ҳафталик дам олиш кунлари, ишланмайдиган байрам кунлари, йиллик меҳнат таътиллари берилиши орқали дам олиш ҳуқуқига эга.

Давлат пенсия таъминотини олиш, давлат органининг қонунга хилоф қарорлари ва унинг мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш, давлат органи раҳбариятининг ноқонуний топшириқ ва талабларини бажаришдан бош тортиш, давлат фуқаролик хизматидаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар фактлари тўғрисида хабар берган тақдирда, давлат ҳимояси билан таъминланиш каби ҳуқуқлари ҳам мавжуд.

Агар давлат фуқаролик хизматчиси давлат органи томонидан қайта тайёрлаш ва малака оширишга юборилган тақдирда, шунингдек, қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда унинг лавозими ва иш ҳақи сақланиб қолинади. Қонунчиликда белгиланган тартибда давлат фуқаролик хизматини ўташ вақтида етказилган моддий зарарнинг ўрни қоплаб берилади, маънавий зиёни компенсация қилинади. Бундан ташқари, давлат фуқаролик хизматчиси давлат фуқаролик хизмати масалалари юзасидан

²⁵ Ўзбекистон Республикасининг 08.08.2022 йилдаги “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуни Тошкент ш., 2022 йил 8 август, ЎРҚ-788-сон

махсус ваколатли давлат органига мурожаат қилиш, ўзининг шахсий ҳужжатлари тўплами билан танишиш каби яна бир қатор ҳуқуқларга эга ҳисобланади.

Бюро ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикасининг қонун нормаларига асосан, қуйидаги йўналишлар орқали таъминланиши белгилаб қўйилган:

- а) соғлигини сақлаш;
- б) меҳнатига ҳақ тўлаш;
- в) уй-жой майдони билан таъминлаш;
- г) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш;
- д) хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида транспорт воситаларидан имтиёзли фойдаланиш;
- е) давлат пенсия таъминоти;
- з) давлат суғуртаси;
- и) ижтимоий ёрдам кўрсатиш.

Бюро фаолиятига этибор қаратадиган бўлсак, ижро интизомига риоя қилган, кўрсаткичлари намунали бўлган, фаолиятини тизимли йўлга қўйган ходимларни рағбатлантириш доимий эътиборда бўлиб, 2024 йил 12 ойи мобайнида жами **1.232** нафар ходимлар рағбатлантирилган. Шунингдек, кўрсатма ижросини сўзсиз таъминлаш мақсадида, прокуратура органлари ходимларига ўттиз календарь кунидан иборат ҳақ тўланадиган йиллик таътил, 10 йилдан ортиқ стажга эга ходимларга беш, 15 йилдан ортиқ стажга эга ходимларга ўн ҳамда 20 йилдан ортиқ стажга эга ходимларга ўн беш календарь кунидан иборат қўшимча таътил берилиши йўлга қўйилган.

Бюронинг марказий аппарати томонидан ҳисобот даврида ходимларга санаторий ва дам олиш масканларига имтиёзли йўлланмалар берилишида амалий ёрдам кўрсатилган. Шу билан бирга, Бюро ходимлари ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, уларнинг жисмоний ҳолати ва саломатлигини мустаҳкамлаш юзасидан, бир қатор ишлар амалга оширилган.

Шунингдек, ходимлар хизматдаги ташаббускорлиги, тезкорлиги, хизмат вазифаларини виждонан ва намунали бажарганликлари учун ташаккурнома, пул мукофоти, илгари берилган интизомий жазони амал қилиш муддати тугашидан аввал олиб ташлаш, фахрий ёрлик, совға, қимматбаҳо совға, навбатдан ташқари даражали унвон ёки навбатдаги даражали унвонни белгиланган муддат тугагунга қадар ёхуд эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар бериш, I, II, III-даражали «A'lo xizmatlari uchun» кўкрак нишони ва бошқа кабилар орқали **рағбатлантирилишлари** мумкинлиги ҳуқуқий асослаб қўйилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.05.2017 йилдаги 3016-сонли “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги **Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**”ги Қарорига асосан Бюро ходимларнинг моддий ва ижтимоий таъминоти ўйича қўйидагилар кўрсатиб ўтилган:

- **Пул таъминоти.** Мансаб маоши, даражали унвон учун ҳар ойлик қўшимча тўловлар, кўп йиллик хизмат учун тўланадиган устамалардан ҳамда қонунчилик ва идоравий ҳужжатларда назарда тутилган бошқа тўловлардан иборат.

- Хизмат вазифаларини бажаришда Бюро ходимлари хизмат, шу жумладан **махсус автотранспорт** ҳамда махсус воситалар билан таъминланадилар.

- Яшаш шароитини яхшилашга муҳтож бўлган ходимларга белгиланган тартибда **ижтимоий-моддий ёрдам** берилади.

- Ходимларнинг **пенсия таъминоти** қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

- Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари, шунингдек, пенсияга чиқиши муносабати билан хизматдан бўшатишган ходимлар Ўзбекистон Республикаси **Ички ишлар вазирлигининг тиббий муассасаларида тиббий хизматдан бепул фойдаланиш** ҳуқуқига эга.

- ходимлар **хизмат сафарларига** юборилганида барча турдаги транспорт воситаларига йўл чипталари ҳамда меҳмонхонада жойларни банд қилиш ва навбатсиз олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

- Ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғининг **мажбурий давлат суғуртаси**, белгиланган тартибда, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади²⁶.

Қонунчилигимизга биноан, прокуратура органлари ходимларининг пул таъминоти мансаб маоши, даражали унвон (ҳарбий унвон) учун ҳар ойлик қўшимча тўловлар, кўп йиллик хизмат учун тўланадиган устамалардан ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан иборат. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.04.2017 йилдаги 5019-сон фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига прокуратура органларининг юқори малакали ва ташаббускор, шунингдек, техник ва ёрдамчи ходимларига прокуратура органларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан прокуратура органларида амалда бўлган

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.05.2017 йилдаги 3016-сонли “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори

барча тўловларни сақлаган ҳолда қонун ҳужжатларида ўрнатилган рағбатлантирувчи қўшимча тўловлар ва устамаларни ҳисоблашда ҳам ҳисобга олинадиган меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг икки бараваридан кўп бўлмаган миқдорда ойлик шахсий устамалар белгилаш ваколлати берилган²⁷.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1-сонли 03.01.2024 йилдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини ислоҳ этиш ва соҳани рақамлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида давлат ижрочиси хизмат вазифаларини ошқора олиб бориши, ижро ҳаракатларини видео тасвирга олиши, фаолиятига ноқонуний аралашуш ва қаршилик қилинишини олдини олиш, шахсий ҳаёти ва соғлигини таҳдидлардан ҳимоя қилиш ҳамда ижро ҳаракатлари қонунийлигини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳрининг Яккасарой тумани ва Навоий шаҳри Мажбурий ижро бюроси бўлимларида тажриба сифатида давлат ижрочилари томонидан **мобиль видеокамералардан (боди камера) фойдаланиш** тартибини йўлга қўйиш; тажриба якунлари бўйича Мажбурий ижро бюроси тизимидаги барча давлат ижрочилари томонидан **мобиль видеокамералардан (боди камера) фойдаланиш** тартибини жорий этиш; **мобиль видеокамераларнинг дастурий таъминотларга интеграциясини таъминлаш** белгилаб ўтилди²⁸.

Барчамизга маълумки, ижро тизими анча мураккаб ҳамда машаққатли йўналишлардан бири бўлиб, давлат ижрочиларининг ўз вазифаларини бажариш вақтида турли қийинчиликларга ва қаршиликларга дуч келиши ҳамда баъзида хизмат фаолиятини олиб бориш билан боғлиқ ҳолда касбий касалликка чалиниши, зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш чоғида тан жароҳати олиши, ҳатто ҳалок бўлиши ҳам мумкинлиги ҳақиқатдан йироқ эмас.

Шу сабабли, Қонуннинг 89-моддасида давлат ижрочиларининг ижтимоий ҳимояси ҳақида сўз бориб, давлат ижрочилари ўз хизмат вазифаларини бажаришлари билан боғлиқ ҳолда майиб бўлган ёки уларнинг соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилган ёхуд улар ҳалок бўлган тақдирда давлат ижрочисига ёки ҳалок бўлган шахсининг оиласига қонунчиликда белгиланган тартибда ва миқдорда **бир йўла бериладиган нафақа тўланиши**, ўз хизмат вазифаларини бажаришлари билан боғлиқ ҳолда уларнинг

27 Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 18.04.2017 йилдаги ПФ-5019-сон “Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида”ги

28 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1-сонли 03.01.2024 йилдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини ислоҳ этиш ва соҳани рақамлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони

мол-мулкига етказилган зарар **Республика бюджети маблағлари ҳисобидан** қопланиб, бу сумма кейинчалик айбдор шахслардан ундириб олинishi белгилаб ўтилган.

Юқорида келтириб ўтилган маълумотларга асосланиб шуни хулоса қилишимиз мумкинки, Мажбурий ижро бюроси ходимларини ижтимоий жиҳатдан, моддий томондан етарли даражада таъминлаш нафақат коррупсиявий омилларни олдини олади, балки уларнинг иш фаолиятидаги самарадорликка ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 1992 йил 8 декабрь; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси// [Электрон манба].
2. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни, 2001 йил 29 август; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/106197>.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги 29.08.2001 йилдаги 258-II-сонли Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг 08.08.2022 йилдаги “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуни Тошкент ш.,2022 йил 8 август,ЎРҚ-788-сон
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1-сонли 03.01.2024 йилдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини ислоҳ этиш ва соҳани рақамлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.05.2017 йилдаги 3016-сонли “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 18.04.2017 йилдаги ПФ-5019-сон “Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида”ги
8. <http://www.lex.uz> (O‘z.R. qonun hujjatlari to‘plami)
9. <http://www.gov.uz> (O‘z.R. Hukumati portali)
10. <http://www.jstor.org>. (Huquqiy jurnallar to‘plami)
11. <http://www.consultant.ru>
12. <https://ec.europa.eu>